Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1992 йил 20 июнь • шанба

№ 95 (10.344). Баҳоси 2 сўм.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИШИ

Корея Республикасига давлат ташрифи буюрган Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов шу мамлакат Президенти Ро Дэ У билан учрашди ва суҳбатлашди. Икки мамлакат ҳамкорлигига тааллуқли кўп муаммолар муҳокама қилинди.

Иқтисодиёт муаммолари суҳбатда муҳим ўринни эгаллади. Томонлар бу соҳада алоқаларни йўлга қўйиш ўзаро манфаатли бўлади, деб ишонч билдирдилар. Биз ўзаро муносабатларимизни тенглик ва ҳамкорлик қоидалари асосида қурмоқчимиз, деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти. Бунинг учун республикада ҳамма имкониятлар — ер ости бойликлари, ривожланган конқазилма саноати, машинасозлик, электроника, алоқа воситалари ишлаб чиқариш ва ниҳоят, юксак даражадаги ақл-идрок салоҳияти мавжуд. Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёда олдинги ўринлардан бирида туради, республикада яхши жиҳозланган замонавий тўқимачилик саноати бор. Буларнинг ҳаммаси қўшма корхоналар барпо этиш, кенг кўламли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун яхши асос бўлади.

Учрашув чоғида ижтимоий масалалар ҳам тилга олинди. Хусусан Ўзбекистонда яшаётган 200 мингдан ортиқ корейсларнинг аҳволи тўғрисида гапирилди. Ислом Каримов 1937 йилда Узоқ Шарқдан Ўрта Осиёга кўчирилган корейслар Ўзбекистонда бошқа миллатлар ва элатлар қаторида барча фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланаётгани ҳақида сўзлаб берди. Тошкентда, республиканинг бошқа шаҳарларида корейс миллий маданият марказлари муваффақиятли ишламоқда.

Кореяни бирлаштириш масаласи хусусида Ўзбекистоннинг муносабати ҳақидаги масала ҳам кўтарилди. Ислом Каримов бу муаммони тинч, сиёсий йўл билан ҳал этишни ёқлаб гапирди.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов билан Корея Республикасининг президенти Ро Дэ У қўшма баёнотни имзоладилар. Унда иккала томоннинг дўстликни мустаҳкамлашга ва ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётганлиги таъкидланган.

И. А. Каримовнинг Корея Республикасига ташрифи давом этмоқда. У мамлакатдаги нуфузли сиёсий арбоблар билан учрашиш, йирик илмий ва саноат марказларини кўриш ниятидадир.

(ЎзА).

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Жанубий Кореяга тўрт кунлик расмий давлат ташрифи 19 июнь куни Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги янги муносабатларнинг асосини белгилаб берадиган бир қанча ҳужжатларни имзолаш билан ниҳоясига етди.

Осиёдаги иккала давлат истиқлолини, ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигини ҳурмат қилиш, бирбиринг ички ишларига аралашмаслик — булар Ислом Каримов билан Корея Республикасининг Президенти Ро дэ У имзолаган «Давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация»нинг бош қоидаларидир. Унда иккала давлат БМТ низоми, халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган меъёрлари асосида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашишлари таъкидланади.

Ўзбекистон делегациясининг ташрифи чоғида иқтисодиёт соҳасида ҳамкорлик масалалари муҳим ўрин тутди. Савдо-иқтисодий айирбошлаш, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга маблағ сарфлайдиган Жанубий Корея ишбилармонларига бериладиган кафолатлар ҳақидаги битимлар имзоланди.

Маданият, маориф, оммавий ахборот, саёҳат ва спорт соҳаларида Жанубий Корея билан Ўзбекистоннинг баҳамжиҳат ҳаракатларининг узоқ муддатга мўлжалланган режалари белгиланди.

Сеулда имзоланган иккала мамлакат фуқароларига рухсатнома бериш муаммоларига доир ҳужжатлар иккала мамлакат ишбилармонлари, фан, маданият арбоблари, спортчилари, хусусий кишиларининг бир мамлакатдан иккинчисига боришларини расмийлаштириш тартибини осонлаштиришга ёрдам беради.

Жанубий Корея матбуоти Ўзбекистон Президентининг бу мамлакатга тарихда биринчи ташрифи муваффақиятли бўлганлигини таъкидламоқда. Бу ташриф иккала мамлакат ва халқлар ўртасидаги муносабатларда янги саҳифани очади.

Ислом Каримов Осиё—Тинч океан минтақаси мамлакатлари бўйлаб сафари чоғида Корея Республикасидан кейин Малайзия ва Индонезияга боради.

(ЎзА мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати **қарор қилади:**

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси 1992 йил 2 июль куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЮЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 17 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси муҳокамасига қўйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасининг янги конституцияси лойиҳаси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида.
3. Ўзбекистон Республикаси билан Россия федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.
4. «Ўзбекистон Республикасида монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
5. «Ўзбекистон Республикасида биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
6. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро валюта жамғармасига, қайта тиклаш ва тараққиёт халқаро банкига, ривожланиш халқаро уюшмасига, халқаро молия корпорациясига, кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи агентликка кириши тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
7. «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида.
8. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
9. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
10. «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
11. «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
12. «Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
13. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
14. «Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
15. «Муқобил (меҳнат) хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
16. «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
17. «Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
18. «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
19. «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
20. «Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
21. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
22. «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
23. «Ўзбекистон Республикаси жиноят — процессуал кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
24. «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларнинг қилган ҳаражатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.
25. Ўзбекистон Республикасининг миллий пул бирлигини тайёрлаш ва муомалага киритишга доир тадбирлар тўғрисида.
26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.
27. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисида.
28. Олий суд, баъзи вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида.
29. Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш ҳақида.
30. Ўзбекистон Республикаси конституциявий комиссияси таркибига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида.
31. Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибида ҳарбий ҳайъат тузиш тўғрисида.
32. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг парламентлараро иттифоқдаги вакиллари тўғрисида.
33. «Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

• ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

18 июнь куни Тошкент шаҳрида вилоят хўжалик фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг 1992 йил январь-апрель ойларида бажарилиши якунлари ҳамда маҳаллий ҳокимиятларнинг 1992 йил бюджетининг бажарилишини таъминлаш борасидаги вазифалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ушбу масала юзасидан вилоят Ҳокимининг иқтисодиёт масалалари бўйича муовини А. Раҳимбоев маъруза қилди.

Йиғилиш қатнашчилари молиявий муаммоларни яхшилаш бўйича тадбирларни муҳокама қилдилар. Чунончи, истеъмол молларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун маблағни ва бу маҳсулотларни экспорт қилишни анча кўпайтиришга қарор қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, вилоят Ҳокимининг биринчи муовинлари Ш. Н. Маҳмудова ва Л. П. Тернових, шаҳар ва район ҳокимлари, саноат корхоналари, банклар, вилоят Ҳокими ижроия аппаратининг бошқармалари, бўлимлари раҳбарлари иштирок этдилар.

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИНИ БАЙРАМ ҚИЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1 сентябрни байрам ҳамда дам олиш куни — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни деб эълон қилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик кунини байрам қилишга тайёргарлик кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси ўртоқ Ш. М. Йўлдошев бошчилигида республика комиссияси тузилсин. 29 кишидан иборат комиссиянинг таркиби тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари мустақиллик кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқсинлар ва уни тасдиқласинлар. Тадбирларда халқ сайллари, байрам савдоси уюштириш назарда тутилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари фуқароларнинг истак ва талабларига биноан 1 сентябрь куни Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятларнинг марказларида танланали тадбирлар ўтказсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентига мустақилликнинг бир йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинганларнинг айрим тоифаларига нисбатан умумий афв (амнистия) эълон қилиш имконини қараб чиқиш таклиф этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

— Республика мустақиллигини қарор топтиришга салмоқли ҳисса қўшган фаол меҳнаткашларни, уруш ва меҳнат фахрийларини моддий ва маънавий рағбатлантиришни назарда тутсин;

— Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик кунига бағишлаб кўкракка тақиладиган эсдалик нишонлар ва совға буюмлар чиқарилишини таъминласин.

5. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномалари, телевидение ва радиоэшиттиришлар давлат компанияси мустақиллик кунига бағишланган махсус рукн ва туркум эшиттириш ҳамда кўрсатувлар ташкил этсин. Оммавий ахборот воситаларига республика мустақиллигининг қарор топиши тарихини, унинг янги ички ва ташқи сиёсатини кенг кўламда ёритиб бориш тавсия этилсин.

Олий Кенгаш Раёсати кўп миллатли мустақил Ўзбекистон халқи ҳозирги пайтнинг тарихий аҳамиятини чуқур англаб етади, республика мустақиллигининг бир йиллигини ҳамжиҳат бўлиб, қардошларча дўстлик вазиятида, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ижобий натижалар билан кутиб олади, деб қатъий ишонч билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 17 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИНИ БАЙРАМ ҚИЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ЮЗАСИДАН ТУЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Йўлдошев Шавкат Муҳиддинович — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси, комиссия раиси

Аширбеков Уббиниёз — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси, комиссия Раисининг ўринбосари

Ражабов Раҳим — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби, комиссия раисининг ўринбосари

Самандаров Эркин — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари

Фозилбеков Атҳамбек Иброҳимович — Тошкент шаҳар ҳокими, комиссия раисининг ўринбосари

Олимжонов Омон Ҳамидович — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши котибиятининг бошлиғи, комиссия котиби

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Абдувосиқов Абдуманноп — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қурилиш, архитектура, уй-жой-коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш қўмитасининг раиси

Абдураззоқов Убайдулла Аббосович — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири

Алламуродов Бўри Алламуродович — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси

Алматов Зокиржон Алматович — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири

Арзиматов Атҳамжон Сотволдиевич — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг биринчи котиби

Боқибоев Эркин Жўраевич — Ўзбекистон Республикаси молия вазири

Воҳидов Эркин — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ошкоралик масалалари қўмитасининг раиси

Қодиров Пиримқул — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият масалалари қўмитасининг раиси

Қориева Бернора Раҳимовна — Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси бошқарувининг раиси

Қаюмов Малик Қаюмович — Ўзбекистон Кинематографчилари уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби

Мадаминов Салой (Муҳаммад Солиҳ) — «Эрк» демократик партиясининг раиси

Мирқосимов Мираҳмад Мирҳожиевич — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитасининг раиси

Муҳаммад Дўст Мурод — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг раиси

Назиров Обид — Ўзбекистон Республикаси Физкультура ва спорт қўмитасининг раиси

Расулов Маҳмутжон Мўминович — Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгашининг биринчи котиби

Ризаев Қулаҳмад Тошпўлатович — Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари

Сайдалиев Сайфулла Давирович — Тошкент вилоятининг ҳокими

Сигедин Виталий Николаевич — Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори

Ҳабибуллаев Пўлат Қирғизбоевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Халқаро ишлар қўмитасининг раиси

Ҳакимов Зафар Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири вазифасини бажарувчи

Хлебушкина Антонина Павловна — Тошкент шаҳридаги 22-болалар уйининг директори

Ҳайитбоев Эркин Қаҳҳорович — Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиокомпаниясининг раиси

Чжен Виктор Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси маҳаллий саноат вазири

ЎзА МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ОТАНГ БОЗОР, ОНАНГ БОЗОР-МИ?»

Пишиқчилик бошланган бўлса-да, бозорлардаги нархнаво ҳали ҳам баланд. Деҳқон учун ҳам, харидор учун ҳам осон бўлмай турган ҳозирги вақтда Тошкент бозорлари ҳамда «Ташгорплодоовощпром» га қарашли, сабзавот дўконларида аҳолига хизмат кўрсатиш қандай аҳволда? «Ўзбекистон овози», «Халқ сўзи» ҳамда «Тошкент ҳақиқати» газеталарининг шу йил 5 ва 6 июнь сонларида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада ана шулар ҳақида мулоҳаза юритилган эди.

Муҳарририят Тошкент шаҳар бозорлар бошқармасининг мазкур масалага бағишланган мажлиси бўлиб ўтганлиги тўғрисида хат олди. Унда ёзилишича, мақолада келтирилган фактлар эътироф этилган. Паттачи ва тарозибонлар иши устидан назоратни бўшаштириб юборгани учун Олой, Юнусобод, Миробод, «Наврўз» бозорларининг директорларига ҳайфсан эълон қилинган. Тарозибонлар Ш. Мажидов, С. Мухторов, паттачилар Т. Ҳожиев ва Р. Акромовлар ишдан бўшатилган.

* * *

«Ташгорплодоовощпром» маъмуриятидан ҳам жавоб хати олинди. Унда айтилишича, мақола Тошкент шаҳар давлат кооператив ишлаб чиқариш мева-сабзавот бирлашмаси жамоасида муҳокама этилган, кўтарилган масалаларни ҳал этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланган, айбдорлар жазоланган.

Юнусобод райони улгуржи-чакана мева-сабзавот савдо корхонаси (директори А. Юсупов)га қарашли 16-дўкон мудирининг ўринбосари С. Умарова нарх устидан назоратни сусайтириб юборгани учун вазифасидан бўшатилган. Савдо қоидаларини қўпол равишда бузгани, харидорлар ҳақига ҳиёнат қилгани учун шогирд-сотувчи Э. Маркаев уч ой омборда юк ташувчиликка ўтказилган. Дўкон мудири А. Воҳидовга сотувчилар иши устидан назоратни бўшаштириб юборгани учун қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган.

Бирлашманинг Олой бозоридаги «Наврўз» савдотайёрлов корхонаси раҳбари Р. Рашидовга қаттиқ ҳайфсан берилган ва йўл қўйилган камчиликлар яна такрорланган тақдирда у эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилиши ҳақида огоҳлантирилган. Савдо ишларини етарли назорат қилмагани, савдо тармоқларини янги сабзавот билан таъминлашда сусткашликка йўл қўйгани учун ташкилий бўлим бошлиқлари А. Раҳматуллаев, Ҳ. Маҳкамов қаттиқ огоҳлантирилган, бирлашма раисининг ўринбосарлари Т. Шукуров, А. Жалиловга эса огоҳлантириш эълон қилинган.

(ЎзА).

ГАЗЕТАГА КЕЛГАН ХАТ ВА ЖАВОБЛАРДАН

ҚОНУН ДОИРАСИДА

Биз яқинда Бўстонлиқ районидаги Қўшқўрғон жамоа хўжалигида яшовчи Тожибой Насриддиновдан шикоят хати олгандик. Унда Бўстонлиқ район солиқ бўлими солиқ солишдаги ўзгаришлардан четлаб ўтилаётганлиги айтилганди. Биз ушбу мактубга ўз муносабатларини билдиришларини сўраб Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармасига шикоят хатини юборгандик. Бошқарма бошлиғи Р. Усмоновнинг жавоб хатида айтилишича Бўстонлиқ район давлат солиқ инспекцияси фуқаро Тожибой Насриддиновга нисбатан қўллаган маъмурий жазоси Ўзбекистон республикасининг қонунлари доирасидан чиқмаган.

Атрофлича кўриб чиқилди

Яқинда муҳарририятимизга Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳар. «Ғишт заводи» кўрғонидаги 8-уй, 10-хонадонда истиқомат қилувчи А. Маматқуловдан шикоят хати келганди. Унда А. Маматқулов арзимаган сабаб билан уни ички ишлар бўлимидан ишдан бўшитишганини баён қилганди.

Биз мазкур мактубни Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасига текшириш учун жўнатгандик. Ундан бошқарма бошлиғининг муовини Б. Х. Ҳакимов имзоси билан олинган жавобда айтилишича вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти А. Маматқуловнинг ноҳақ ишдан бўшатилганлиги ҳақидаги аризасини комиссион таркибда атрофлича кўриб чиққан. У 1980 йилда хизматга қабул қилиниб, 1991 йилнинг ноябрь ойида ички ишлар идораларидан бошқа ишга ўтиши муносабати билан истисно тариқасида вазифасидан бўшатилган.

Ҳозир унинг ёши 47 дан ўтиб қолганлиги сабабли, (ҳозирги норматив ҳужжатларга асосан 40 ёшгача бўлган ходимлар қайтадан хизматга тикланишлари мумкин) ички ишлар идораларига қайтадан тиклашга асос йўқ. Шу сабабли ҳам унинг аризаси оқибатсиз қолдирилганлиги маълум қилинган.

НОЁБ ЭКСПОЗИЦИЯ

Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг кўргазмалар зали витриналаридан бирига элликдан ортиқ кичик чинни буюмлар жойлаштирилди. Бу ёш, лекин етарли даражада танилган Шаҳноза Мўминованинг шахсий кўргазмасидир. Унинг асарларини Ўзбекистондаги, бошқа Ҳамдўстлик давлатларидаги кўпгина музейларда кўриш мумкин.

Кўргазмалар залига келувчилар бу ноёб буюмларни зўр эътибор билан тамоша қилмоқдалар. Шаҳноза Мўминова чиннидан фойдаланиб, ўз фикрлари ва туйғуларини ноёб буюмларида акс эттира олган.

Кўргазма ташкилотчиларига бу буюмларни чет элларда намойиш этиш тўғрисида ҳозироқ бир неча таклиф тушди.

АВТОКОЛОННАДА ГЕЛИОҚУРИЛМА

«Ташгоргрузтранс» концерига қарашли 2512-автоколонна автомобилчилари гелиоқурилма ўрнатиб, уни ишга туширдилар. Бу эса ёз вақтида қозонхонанинг ишини тўхтатиб, кўп ҳаражат қилмай қайноқ сув олиш, тақчил ёнилғини тежаш имконини берди.

Автоколоннада амалга оширилган бошқа янгилик ҳам сезиларли тежам бермоқда. Бу ерда автомашиналарни ювадиган янги жой қурилди, унинг ёнида эса тозалаш иншооти барпо этилди. Эндиликда автомашиналар ювилган сув тозаланиб, яна ишлатилмоқда, тоза сувни истеъмол қилиш мумкин қадар камайтирилди. Дизель ёнилғини тежаш учун эса дизель автомобиллари ёнилғи аппаратларини текшириш ва созлаш учун электрон стенд ўрнатилган участка ташкил этилди.

(ЎзА мухбири).

● 21 ИЮНЬ — ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН, ШИФОКОРЛАР!

Зиммаларига кишилар саломатлигини сақлашдек шарафли ва масъулиятли вазифа юкланган тиббиёт ходимлари эртага ўзларининг анъанавий касб байрамларини нишонлайдилар. Ана шу муносабат билан мухбиримиз вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи **М. Бекнозова** билан суҳбатлашди.

— Вилоятда соғлиқни сақлаш моддий базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Кейинги икки йил ичида 4 та қишлоқ шифокорлик амбулаториялари, 2 та фельдшерлик-акушерлик пункти, 400 ўринли касалхоналар ва бир сменада 620 беморни қабул қила оладиган поликлиникалар фойдаланишга топширилди. Айниқса, бўстонлиқликлар бу йил ажойиб совға олдилар. Йил бошида иш бошлаган 150 ўринли туғуруқхона энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Айни кунларда район аҳли бу тиббий муассаса хизматидан мамнун бўлмоқдалар. Янги Ангрен ГРЭС тиббий қисми, Чиноз районида 150 ўринли шифохона, Олмалиқ шаҳрида болалар касалхонаси, Қуйи Чирчиқ районида марказий шифохона ҳам ишга тушди.

Янги хўжалик механизми жорий қилиниши соғлиқни сақлаш бюджетига қўшимча 636 минг сўм олиб келди. Бу маблағ корхоналар, ташкилотларга режадан ташқари тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан тузилган шартномалар туфайли топилди. Тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажмининг кенгайиши туфайли ҳам соғлиқни сақлаш бюджетига 0,5 млн сўм пул тушди. Дори-дармонлар тақчиллиги сезилаётган ҳозирги пайтда мануал, руҳий, шифобахш ўсимликлар билан, физиотерапия каби даволашнинг ноанъанавий усулларидан ҳам кенг фойдаланмоқдамиз.

Ишимизнинг иқтисодий ва самарали шаклларидан яна бири кундузги стационарларнинг ташкил этилиши бўлди. Бундай даво масканлари хизмати айниқса кўп болали оналарга қўл келмоқда. Улар эрталаб 8.00 дан кеч соат 17.00 гача шифохонада врач назоратида бўладилар, барча зарур муолажаларни олиб, кечқурунлари оилалари бағрига қайтишлари мумкин.

Вилоятда оналик ва болаликни муҳафаза этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозир далаларда иш айни қизиган кунлар. Далада ишловчиларнинг аксариятини эса хотин-қизлар ташкил этади. Шунинг учун барча шаҳар ва районларда малакали мутахассислар-акушер-гинеколог, педиатр ва терапевтлардан иборат бригадалар тузилган. Улар қишлоқма-қишлоқ юриб, хотин-қизлар соғлиғини назоратдан ўтказадилар, давога муҳтожларга зарур ёрдам кўрсатадилар.

Олмалиқ шаҳридаги янги болалар шифохонаси қошида ташкил этилган районлараро диагностика маркази ишидан ҳам кўпчилик мамнун бўлмоқда. Бу ерда Пискент, Оҳангарон, Паркент, Юқори Чирчиқ районлари кичкинтойларига ҳам хизмат кўрсатилади, болаларда касаллик тез ва аниқ диагноз қўйилиб, даволаш бошлаб юборилади.

Вилоятда ўсмирлар саломатлигини сақлашда ҳам яхши ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йили вилоят консультатив поликлиникаси қошида вилоят ўсмирлар маркази ташкил этилган эди. Айни пайтда шаҳар ва районларнинг барчасида ўсмирлар шифокорлари ишлаб турибди. Улар зарур бўлган ҳолларда вилоят ўсмирлар марказига йўлланма берадилар. Бу ишни давом эттира бориб, тажриба тариқасида Олмалиқ шаҳрида ўсмирлар поликлиникаси ҳам ташкил этилди. Шу пайтгача ўғил-қизларимиз 14 ёшгача педиатр-шифокор назоратида бўлар эдилар, бу ерда улар 7 ёшдан бошлаб ҳам педиатр, ҳам терапевтлар назорати остига олинадилар. Мақсад ўсмир болаларда учрайдиган касалликларни вақтида аниқлаб, олдини олиш, даволаш, Ўзбекистонимиз учун жисмонан соғлом йигитлар, кераклигини унутмаслик. Шу билан бу ўсмирлар поликлиникасида нафақат ўғил болалар, балки ўсмир қизлар соғлиғи ҳам назорат қилинади. Чунки, қизлар—бўлажак оналар, соғлом онадангина соғлом фарзанд туғилади.

Албатта, бугунги кунда мутахассислар масаласи энг асосий масаладир. Шаҳар ва районларда шифокор ва ҳамшираларни аттестациядан ўтказиш яхши самара берди.

Бугунги байрам кунида Оҳангарон район болалар поликлиникаси мудири О. Ҳусанова, Олмалиқ шаҳридаги болалар касалхонаси бош врачи Р. Икромова, Ўрта Чирчиқдан акушер-гинеколог Ф. Ҳасанова, Пискент районидан акушер-гинеколог М. Дўстиллаева, Бекобод район марказий касалхонаси бош врачи Э. Қодировлар номини алоҳида ҳурмат билан тилга олишни истар эдим. Улар ўзларининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан кишилар ҳурмат-эътиборини қозонганлар.

Зулхумор ЖЎРАЕВА.



СОБИР РАҲИМОВ районидаги 3-шаҳар туғуруқхонаси тиббиёт ходимлари халқимизга эзгулик йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар. Тажрибали шифокор Ҳолида Худойберганова бош бўлган бу даргоҳда ўз касбига меҳр қўйган тиббиёт ходимлари анчагина. Ушбу суратларда сиз ана шундай фидойи шифокорлар — болалар бўлимининг шифокори Элмира Даданова (юқорида); Манзура Толипова (пастда чапдан), Ҳолида Худойберганова, Светлана Ниёзметова ва Гулбаҳор Файзуллаеваларни кўриб турибсиз.

Суратларни Даврон АҲМАД олган.





БУЛАР СИЗДАН МИННАТДОР

БАРАКА ТОПИШСИН

Менинг ёшим тўқсонга борди. Киши кексайган сари тез-тез касалликка чалинадиган бўлиб қолар экан. Шу йилнинг май ойида юрагим безовта қилиб, 2-Ҳасанбой шифохонасига мени оғир аҳволда олиб келишди. Бу даво масканининг бош врачи Ҳусан Ҳамидов тезда соғайиб кетишимни, барча зарур ёрдамни кўрсатишликларини билдирганда кўнглим тоғдек кўтарилди. У шифокор Жалолиддин Алимов билан биргаликда юрагимни кардиограмма қилиб тезда аниқ муолажаларни бошлаб юборишди. Тез орада шифохона ходимларининг ўз ишларига масъулият билан ёндошишлари, барча муолажаларни вақтида ва аниқ бажарганликлари туфайли соғлигим яхшилана борди. Бу орада район шифокорлар бошлиғи Абдумалик Мажидов ҳам келиб ҳолимдан хабар олиб кетганлиги мени ва оила аъзоларимни беҳад хурсанд этди. Дарҳақиқат, бемор учун шифокорларнинг нафақат дори-дармонлари, балки ширин муомалалари ҳам тез соғайишларига ёрдам берар экан. Мен буни ўз бошимдан кечирдим. Тузалиб оилам бағрига қайтар эканман, юқорида тилга олган нажоткорларимга, қўли енгил, ширинсухан ҳамширалар А. Саидова, М. Йўлдошева, М. Сулаймонхўжаева, Ш. Маткаримова, О. Икромхўжаевалларга миннатдорчилик билдираман. Уларга Олло таолодан узоқ умр, тани соғлик тилаб, барака топишсин дейман.

Т. ШАРИПОВ,
I гуруҳ ногирони, шахсий пенсионер.
Тошкент райони.





СУРАТЛАРДА: Ҳасанбойдаги касалхона шифокорлари ва ҳамширалари; бемор Қудрат Аҳмедовнинг саломатлигини бош шифокор Ҳусан Ҳамидов, шифокор кардиолог Жалолиддин Алимов ва ҳамшира Арофат Жалилова текшириб кўришмоқда.

Суратқат Р. ШАГАЕВ. (ЎзА).

СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

Табиат ва инсон

• Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида

ҚОНУНЧИЛИККА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

ВИЛОЯТ табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг навбатдаги мажлисида вилоят худудида рўзғор чиқиндиларини сақлаш ва қайта ишлашда табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шу нарса таъкидландики, вилоят худудида жойлашган ахлатхоналарда уй-рўзғор чиқиндиларини қайта ишлаш ва сақлашни яхшилаш юзасидан муайян ишлар қилинди. Чиқиндиларни тўплаш, зарарсизлантиришда тартиб кучайди.

Бу соҳадаги ишларни яхшилашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Тошкент шаҳар ҳокимияти бош ободонлаштириш бошқармаси ҳамда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маҳаллий органлари биргаликда Оҳангарон шохиқўчасининг 32 километрида жойлашган умумшаҳар хўжалик-рўзғор чиқиндилари тўкиладиган майдонда ахлат ташувчи машиналар қатнови устидан назорат ўрнатилди, чиқиндиларни шохқўча атрофига ташлаб кетиш каби ҳолларга қарши кураш кучайтирилди. Бундан ташқари, чиқиндилар ёниб кетишининг олдини олишга қаратилган чоралар кўрилди. Айни вақтда шу ерда меҳнат қилувчиларнинг иш шароитлари яхшиланди. Ахлатхонанинг анчагина қисми тупроқ қатламлари билан беркитилди. Бу ерда иккинчи ахлатни қайта ишловчи завод қурилиши масаласи ҳал қилинмоқда.

Тошкент ноҳиясининг Ҳасанбой қўрғонидаги ахлатхонада чиқиндиларнинг ёниб кетишига хотима берилди, унинг атрофи ўралди, унга борадиган 2,5 километрлик йўл қурилди. Натижада чиқиндиларни ташувчи машиналарнинг аҳоли манзилгоҳлари орқали ўтиши барҳам топди. 4 та бульдозер, сув сепадиган ва ассенизация машиналари ажратилди. Ҳозирги вақтда рўзғор чиқиндиларини мажмуий қайта ишловчи Тошкент тажриба заводида ҳар йили 45—50 минг тонна ахлат фойдаланилмоқда. Уларни қайта ишлаш натижасида органик ўғитлар олиняпти.

Айрим шундай ютуқларга қарамасдан, вилоят ахлатхоналарида рўзғор чиқиндиларини тўплаш, зарарсизлантириш ва сақлаш ҳамон ниҳоятда паст даражадалигича қолмоқда. Бунда экология талабларига амал қилинмайди. Чиқиндиларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси бузилмоқда.

Вилоятда жойлашган 33 та ахлатхонанинг 22 таси қонунлаштирилган, 11 таси эса ҳеч қандай рухсатсиз ташкил этилган. Улар Бекобод, Бўка, Паркент, Ўрта Чирчиқ районларида, Ангрен, Олмалиқ шаҳарларида, Тошкент районида бўлиб, умуман назорат қилинмайди.

Ўзбекистон коммунал-инженерлик лойиҳалаш давлат илмгоҳининг маълумотларига кўра, вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича ҳар йили тўпланадиган хўжалик-рўзғор чиқиндилари ҳажми 5 миллион 300 минг куб метргача етади. Биргина вилоят шаҳарлари ва қўрғонларида унинг ҳажми салкам 1 миллион 800 минг куб метрни ташкил этмоқда. Шунга қарамай Тошкент вилоят уй-жой-коммунал хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой-коммунал хўжалик вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бош ободонлаштириш бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1988 йил 4 июлдаги хўжалик-рўзғор чиқиндиларини йиғиш ва қайта ишлаш бўйича ишнинг қониқарсизлиги ва республика шаҳарлари, шаҳар қўрғонлари ҳамда район марказларини санитария ҳолатини янада яхшилаш бўйича чоралар тўғрисидаги қарорини қониқарсиз бажармоқдалар. Шу қарорга мувофиқ қатор чиқиндиларни қайта ишловчи корхоналар қурилиши назарда тутилган эди. Жумладан, Чирчиқда, Янгийўлда, Тошкентда, Ғазалкентда шундай ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилиши лозим эди. Лекин ҳали бу ишга киришилганича йўқ. Янги чиқиндихоналар, автомобиль-йўл механика базалари қурилиши барбод бўлди.

Кўп жиҳатдан шу сабабли вилоятда ниҳоятда ноқулай экологик аҳвол вужудга келди. Ахлатхоналарнинг кўпчилиги атроф-муҳитни кўп даражада ифлос қилаётган манбалар бўлиб қолмоқда. Ҳавони, сув ва тупроқни булғатмоқда.

Ушбу масалани атрофлича муҳокама қилган қўмита коллегияси шаҳар ва район уй-жой коммунал хўжаликлари, вилоят уй-жой коммунал хўжалигини ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг ахлатхоналардаги рўзғор чиқиндиларини қайта ишлаш ва зарарсизлантириш бўйича ишларини қониқарсиз, деб топди ҳамда бу соҳада қонунчилик талабларини қўпол равишда бузилаётганлигини таъкидлади. Қабул қилинган қарорда хўжалик-рўзғор чиқиндилари ташланадиган ахлатхоналарда тартибни кучайтиришга қаратилган қатор тадбирлар белгиланди.

ТАЖРИБА АЛМАШИБ

ЧИРЧИҚ шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологлар ўқувининг янги шаклини ташкил этди. Бу муҳим соҳа мутахассислари малака оширши учун илғаригидек турли ойлик, қатъалик курсларда ўқишга бориш ташвишдан халос бўлдилар. Уларнинг ўқуви маълум муддатда бевосита шаҳар корхоналари ва ташкилотларида уюштириладиган бўлди.

Саноат шаҳридаги деярли барча йирик корхоналарда табиатни муҳофаза қилиш бўлимлари ишлаб турипти, қолганларида эса экологлар возими жорий қилинган. Шаҳар қўмитаси экологлар ўқуви самарасини ошириш учун бевосита шу ердаги корхоналар — ташкилотларнинг бу соҳадаги тажрибаси, ижобий ишларини ўрганиш йўлини тутди.

Шундай машғулотларнинг дастлабкиси март ойида бўлиб ўтди. Шаҳардаги барча эколог мутахассислар иштирокида Ўзбекистон Республикасининг экологик ҳуқуқ-тартиботини бузганлик учун масъулиятни оширишга қаратилган янги Қонуни ўрганилди, муҳокама қилинди. Бу муҳим ҳужжатни кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида қандай қилиб яхшироқ тарғиб қилиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашдилар. Бу ҳаммага маъқул бўлди. Натижада у анъанавий тус олди.

Навбатдаги машғулот шаҳарнинг энг йирик корхонаси — «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида ташкил этилди. Унда бирлашма бош мухандисининг меҳнат муҳофазаси ва экологияни бўйича ўринбосари Н. Расулқуловнинг корхонадаги экологик аҳвол ва уни яхшилаш юзасидан қилинаётган ишлар, амалга оширилаётган чора-тадбирлар, бу муҳим соҳада истиқболда рўёбга чиқарилиши мўлжалланган режалар ҳақида маълумотлар тингланди. Бирлашмада табиатни муҳофаза қилиш бўйича барча ишлар «1991—1995 йилларда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича мажмуий тадбирлар» дастури асосида амалга оширилмоқда. Биргина ўтган йили табиатни муҳофаза қилиш ишларига 7 миллион сўм сарфланган.

Семинар иштирокчилари бирлашма цехлари ва участкаларида бўлиб, уларда экологик аҳволни яхшилаш юзасидан тўпланган тажриба билан танишдилар. Саноат-санитария лабораторияси жамоасининг фаолиятини ўрганишди.

Ч. ПЕРЕПЕЛИЦИНА.

ШАҲАР ЮЗИДАГИ ДОҒЛАР

ЧИНОЗ шаҳри қиёфаси йил сайин чирой очиб гўзаллашиб бормоқда. Қатор турар-жой, корхона ва муассасалар бинолари қад ростлаб, шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда. Лекин, айни вақтда янгидан-янги ахлатхоналарнинг пайдо бўлиши кўнгилни хира қилмоқда.

Чинознинг қайси бурчагига борманг уюм-уюм ахлатга дуч келаверасиз. Масалан, ноҳия ички ишлар бўлимининг ёнгинасида шундай ахлатхона бор. Унинг атрофига жойлашган хонадонлар пашша, чивин ва ҳар хил касалликлар қўзғатувчи ҳашаротлардан, қўланса ҳиддан кечалари ухлаёлмаётган бўлсалар ажаб эмас. Агар шу жойда бирон-бир бор барпо этилса бизнинг шаҳар ҳавоси учун янги кислород базаси пайдо бўларди. Ноҳия ички ишлар бўлими, Чиноз шаҳар ҳокимлиги идораларига келувчилар асфальт йўлга келиб қўшилган чиқинди уюмлари устидан сакраб юрмасдилар.

Ноҳия марказий шифохонасига эътувчи Охунбобоев, Ленин кўчаларининг аҳолиси ғавжум жойларга тўкаётган чиқиндилари қўнгилкунгга кўпайяпти. Марказий Карл Маркс кўчасининг иккинчи ёнидан ўтган ариқчаларда тўпланиб қолган сув кўлмакка айланиб, чор атрофга ёқимсиз ҳид таратиб ётипти.

Шаҳар марказидаги Усмон Юсупов номли маданият ва истироҳат боғи қаровсиз аҳволда. У ташкил этилганда ҳудуди 12 гектар бўлган. Ҳозир эса 3,5 гектар майдонни эгаллаб турипти. Дастлаб 1200 та дарахт кўчатлари экилган бўлса, бугунги кунга келиб унинг 500 тачаси қолган.

МУШТАРИЛАР БОНГ УРАДИ

Энг ачинарлиси, шундаки, 1988 йил яхши ният билан боғнинг ёнида 400 ўринли маданият саройи қурилиши бошланган эди. Афсуски, бу қурилиш ҳам ниҳоясига етмай аросатда қолди. 33-кўчма механизациялашган колонна қурувчиларининг ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндошганлиги сабабли бетон тўсинлари қулай деб турипти. Чор атрофда қурилиш материаллари сочилиб, булғаб ётибди.

— Шуни очиқ айтиш керакки, — дейди Охунбобоев номли маҳалла қўмитаси раисининг ўринбосари С. Раимов. — Чиноз эгасиз қолди. Нафақат Чиноз шаҳри, балки ноҳиянинг у бурчагидан бу бурчагигача аҳлат уюмлари бор. Бундан ўн йил илгари Чиноз озода эди. Кўчаларда ҳам, маҳаллаларда ҳам аҳлат уюмлари бўлмади. Мана, бизнинг маҳалламиздан олиайлик. Ҳозир бошланишидан охиригача ахлатхона. Бу ҳақда ноҳия раҳбарлигига неча марта айтилди. Лекин унга на ноҳия, на шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари эътибор бермаяпти. Аҳвол эскилигича қолмоқда.

— Биз истиқомат қилаётган кўчадан ҳам ахлат вақтида олиб кетилмайди,— дейди Партия XVIII съезди кўчасида истиқомат қилувчи, Улуғ Ватан уруши фахрийси У. Орипов.— У шаҳар марказида жойлашган Минг афсуски, кўчамизда юриш жуда қийин. Ўнқир-чўқир. Ҳар қадамда ахлатлар уюми, бу ҳақда ўзим шахсан кўп марта шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилдим. Аммо фойдасиз бўлди. Қачонгача шаҳримиз чиқиндихона бўлиб ётади?

Мени бир нарса қийнаб келади. Чиноз ноҳияси сув билан ўралган. Афсуски, шаҳар марказига сув келмайди. Шу боис марказдаги дов-дарахтлар йил сайин қуриб камайяпти.

Шаҳар учун, шаҳримиз ободончилиги, кўрки учун ҳар бир фуқаро — хоҳ у ҳоким бўлсин, хоҳ у оддий киши бўлсин бирдек жон куйдирмас экан, бундай кейин ҳам Чинознинг экологик аҳволи шундайлигича қолаверади.

Т. ЭРХУЖАЕВ.

ЭЛ КЎРКИ

● **ЎЗБЕКИСТОНДА ўрмонзорлар кўп эмас. Унинг умумий майдони 4,8 миллион гектардан иборат, холос. Шундан ҳам фақат 2,2 миллион гектарнигина том маънодаги ўрмон, деб аташ мумкин.**

● **БУГУНГИ кунда ўлкамиздаги иҳотазорлар майдони 36 минг гектарни ташкил этади.**

● **БИР ГЕКТАР қумлик кўчатхонасидан 250 минг дона кўчат олиб, минг гектар яйлов ташкил этиш мумкин.**

● **Ўрмон — етти хазинанинг бири.**

● **Экинзор — ер кўрки Ўрмонзор — эл кўрки.**


● **Ўрмон соғлиқ манбаи. Нафосат маскани.**

● **Ўрмон табиий офатларни даф этувчи мустаҳкам қалқон.**

● **Ўлкамиз уруқ бўлса, ўрмон — унинг қобиғи.**

● **Эзгу одам ўрмонни яшнатади, Ёвуз одам ўрмон ораласа, дарахтлар ҳам зирилласа.**

С. ОДИЛОВА тайёрлаган.



Бўстонлиқнинг Кўксув воҳаси манзаралари. Суратказ В. ТАРАН.

ТЎҚБЕРДИЛИК ЎРМОНЧИ

ОСМОНУ-ФАЛАК булутлари узра бўйин чўзган, қишин-ёзин яшил либосларини кўз-кўз қилган кўҳна Қурама тизмалари бағрида қадимий Тўқберди қишлоғи мавжуд. Унга шундай деб ном берилиши бежиз эмас, албатта. Чунки қишлоқ аҳли асл меҳнаткаш кишилар бўлиб, деҳқончилик, чорвачилик, ўрмончилик ва овчилик билан шуғулланишган. Шунинг учун Боймоқовни ҳам ҳамкасблари ҳурмат билан Тўқбердилик ўрмончи дейишади. Уни улуғлаган шу шарафли меҳнатидир. Маматали Боймоқов 1953 йилдан бери шу касбининг обрўсини ошириб, моҳиятини кўз-кўз қилиб келмоқда.

Маматали ака ўрмончилик касбининг сир-асрорини устозлари Глеб Александров, Тошмуҳаммат ота Имонов, Файзулло Тошматов, Абдували Бойқўзиев, Абдулқосим Муҳаммаджонов ва бошқалардан қунт билан ўрганди ва тез орада илғорлар сафидан муносиб ўрин олди. 1966 йили Тошкентга ўрмон хўжалиги бошқармаси қошида ташкил этилган бир йиллик ўрмончилик агрономлари курсини муваффақият билан тугатиб, жонажон жамоага қайтгач уни ўрмончи этиб тайинлашди. Эндиликда у бўғончилик ишига илмий нуқтаи назардан ёндоша бошлади. Ҳамкасблари билан қора тупроқли тоғ ён бағирларига булоқ сувини чиқариб, мевали ва манзарали дарахтлар экиб, яшил либос бойлигини меҳр билан парвариш этишга киришди. Шунингдек, сертупроқ унумли ерларга янгича усулда дарахтлар экиб, ажойиб бог яратди. Йиллар ўтиши билан арчазорлар орасида мевали боғлар пайдо бўлиб, жамоа меҳнати туфайли халқ дастурхонига асалдек ширин нашватлар ҳадя этилди.

ТАБИАТИМИЗ ЖОНКУЙАРЛАРИ

Узоқ йиллар давомида у раҳбарлик қилган бригада миришкорлари ўндан ортиқ мевазор боғлар барпо этишди. Ўчқиз, Қўл, Қашқа, Андаржон, Олтиали, Оқсув, Сўзоқ, Қўтон, Туя тош, Кўчамак сой ва бошқа жойларда ташкил этилган шириншакар мева боғлари шулар жумласидандир. Маматали аканинг ўрмонига ёзнинг қайси палласида борманг, гарқ пишган олма, ўрик, гилос, олча, бодом, ёнғоқ, жийда ва бошқа кўплаб шифобахш меваларни кўриб, кўзингиз қувонади.

Тўқбердилик ўрмончи бригадаси турли миллат вакилларидан ташкил топган бўлиб, иноқлиги билан ҳам оғизга тушган. Ўтган 1991 хўжалик йилида жамоа аъзолари аҳдларига вафо қилишиб, маҳсулот топширишда юқори кўрсатичга эришдилар, режа 120 фоиз қилиб бажаришди. Бригада фидойилари режада белгиланган 2 тонна ўрнига 3 тонна ўрик, 3 тонна ўрнига 6 тонна олма, 3 тонна ўрнига 5 тонна олча, 400 килограмм ўрнига 600 килограмм доривор ўсимлик, 1600 килограмм ўрнига 2 тонна ёнғоқ ва бошқа маҳсулотларни эл дастурхонига тортиқ этдилар.

Тажрибали ўрмончи раҳбарлик қилаётган жамоа аъзолари 1992 йилда мевазворлар ва узумзорларга эришишга бел боғлаганлар. Уларнинг бу ҳайрли ишига муваффақиятлар ёр бўлишини истаймиз.

М. МУҲАМЕДОВ.

ЖАРИМАЛАР, ТАНБЕҲЛАР, ОГОҲЛАНТИРИШЛАР

ЭКОЛОГИЯ КУНДАЛИГИ

● АНГРЕН. Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қатор корхоналар ва ташкилотларда сувни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ишларнинг аҳволини текширди. Шу нарса аниқландики, кўпгина жойларда бу соҳадаги қонунчилик қўпол равишда бузилмоқда. Сувнинг ифлосланишига йўл қўйилмоқда. Жумладан, Ўрта Осиё кўмир ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ангренуглестрой» бош бошқармаси механика цехининг саноат майдонида нефть маҳсулотлари билан ифлосланган оқава сувлар тўпланиб қолган. Арматура цехида ичимлик сув жўмрак бузилганлиги учун оқиб ётипти. Оқава сувлар оқиб чиқадиган ариқлар тўлиб қолган. Натижада чиқиндилар билан ифлосланган сув тинитичга тушмасдан тўғридан-тўғри тупроққа сингмоқда.

Корхона ҳудудининг бир қисми Дукентсой дарёсининг муҳофаза қилинадиган минтақасида жойлашган. Бу ерда металл парчалари тўпланиб ётипти. Автотранспорт воситалари ҳам тартиб бўйича ювилмайди. Бунинг учун махсус қурилма ўрнатилмаган.

Бош бошқарманинг автомобилларга бензин қуйиш станцияси ходими П. Х. Девякович ва 5-участка бошлиғи Б. А. Тайфуловлар шундай камчиликларнинг содир бўлишида айбдор деб топилди ва уларнинг ҳар бирига 150 сўмдан жарима солинди.

● ЯНГИЙЎЛ. Шаҳардаги пахта тозалаш заводида ҳам сув қонунчилиги ва табиатни муҳофаза қилиш ходимларининг бу масала бўйича кўрсатмаларига амал қилинмаяпти. Бу корхона раҳбарлари учун қимматга тушди. Улар бир неча бор огоҳлантиришдан кейин ҳам хулоса чиқариб олмадилар. Натижада завод бош муҳандиси Э. Қўлдошев, бош энергетик У. Муҳиддинов, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ишга масъул бўлган Д. Маликов-ларнинг ҳар бири 100 сўмдан жарима тўлашга мажбур бўлдилар.

● ОЛМАЛИҚ. Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат назоратчилари кон-металлургия комбинатининг ёқилғи-энергетика цехида сувни муҳофаза қилиш фаолиятини текширдилар ва катта камчиликлар борлигини аниқладилар. Уларнинг содир бўлишида айбдор деб ҳисобланган айрим ходимларга нисбатан жазо чоралари кўрилди. Чунончи, ёқилғи-транспорт хизмати мастери В. Т. Коваленко 300 сўмлик жарима билан жазоланди.

Бу ерда тарқибида мазут бўлган оқаваларни очиқ сув ҳавзаларига оқизиб юборишга ҳам йўл қўйилган.

Бу камчилик учун корхонага 15 минг 861 сўмлик жарима солинди. Бундан ташқари, комбинат автотранспорт бошқармаси 1-автобазаси бошлиғи Н. К. Каримов 500 сўм тўлайдиган бўлди.

● БЕКОБОД. Табиатни муҳофаза қилиш органлари кўрсатмаларини бажармаганликлари, шаҳарнинг санитария тозалиги бўйича лозим даражада тартиб ўрнатмаганликлари учун «Водоканал» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори А. М. Аноҳин ва бош муҳандиси А. А. Сафроновлар мукофотнинг 25 фоиздан маҳрум қилиндилар. Худди шундай камчиликка йўл қўйган тикувчилик фабрикасининг директори Ш. Бакирова ўз ҳамёнидан 300 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Автотранспорт корхонасининг ҳайдовчиси М. Йўлчиев машинасига ортилган саноат чиқиндиларини сувни муҳофаза қилиш минтақасига тўкаётганда қўлга тушди. Унинг бу қилмиши ҳам «муносиб тақдирланди»: 100 сўм жарима тўлади. «Сарбон» акционер уюшмаси директорининг ўринбосари С. Сатторов ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташувчи ва уларни истаган жойда тўкишга одатланган ҳайдовчилар устидан лозим даражада назорат ўрнатмаганлиги учун мукофотдан маҳрум қилинди.

● ОҲАНГАРОН райони. Ремонт-ишлаб чиқариш бирлашмаси атроф-муҳитни ифлослантирувчи йирик манба ҳисобланади. Шунга қарамай, бу ерда табиатга зарар келтиришни камайтиришга қаратилган тадбирлар деярли амалга оширилмаяпти. Буни сувдан фойдаланишдаги қўпол хатоларда ҳам кўриш мумкин.

Корхона раҳбарларининг бундай ўзибўларчилик кайфияти бир неча бор таъкидланди, уларга аҳволни яхшилаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш лозимлиги айтилди. Лекин, яхши маслаҳатга қулоқ солмадилар, ўз билганларидан қолмадилар. Натижада, табиатни муҳофаза қилиш органлари ходимлари катта миқдорда жарима солдилар. Жумладан, корхона директори Г. Умаров 300 сўмлик жарима билан жазоланди.

Вино заводи директори А. Қосимхўжаев ҳам сувдан фойдаланиш қонунчилигига амал қилмаганлиги учун эндиликда афсусланаётган бўлса керак. Чунки у ўз ҳамёнидан 300 сўм чиқаришга мажбур бўлди. Янги Тошкент консерва комбинатининг 3-филиалида ҳам ишлаб чиқариш чиқиндилари билан сувни ифлослантириш давом этмоқда. Шу сабабли филиал бошлиғи Ш. Мелиева 100 сўм жарима солинди.

М. МЎЙДИНОВ.







Ит ва мушук дўст бўлмас, деб ким айтади?

Суратказ Ф. АБДУРАСУЛОВ.

• Ҳар тўғрида •

ПРЕЗИДЕНТ ВА ЧАКАНДА

● ФИНЛЯНДИЯ Президентининг махсус фармони билан мамлакатда чаканда (облепиха) резаворини йиғишга киришиш муддати биринчи октябрь қилиб белгиланди.

Олий давлат ҳужжатининг бундай қатъийлиги шу билан изоҳланадики, мақсад— ўсимликлар дунёсининг бу ноёб ва қимматли турини сақлаб қолишдир. Чунки, Чаканда тобора камайиб, йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолмоқда. Шифобахш хусусиятлари беқиёс бўлган бу ажойиб табиат неъматини ваҳти-соатига қараб териб олмаслик ҳоллари тобора кўпаймоқда. Чаканда Финляндиянинг ғарбий Ботниқўйидагина ўсади.

ЙИГИРМА МИНГТА БУЖМАЙИШ

● УЛЬРИХ Зигмайер немисларнинг Апольд шаҳридаги қаҳвахоналарининг бирида ошпаз бўлиб ишлайди. Йигирма етти ёшли бу йигитнинг яна бир одати бор: у бужмайишларни тўплайди.

Зигмайер ўзининг бўш вақтини қўлида фотоаппарат билан ўтказади, одамлар орасида бўлиб, уларнинг турли бужмайишларини — хурсанд бўлганлари, ачинганлари, жаҳли чиққанлари, жирканганлари... юз ҳолатларини суратга туширади. У ҳозиргача йиғган суратларининг 20 мингтасини ўзига қўйди.

КАСАЛЛАНМАСЛИК СИРИ

● ДАНИЯЛИК тиббиёт ходимларининг Гренландияда олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатдики, инуитлар (эскимослар) европаликларга қараганда тўқ-қиз баравар кам онкологик ва юрак-қон томирлари касалликлари билан оғрир эканлар.

Мутахассислар бунинг сабабини — катта қитъа оролида қадимдан яшовчи ахолининг таомида балиқнинг нисбатан кўплиги билан изоҳламоқдалар. Балиқларнинг маҳаллий турларидан ажратиб олинган мойли кислота, уни «Омега 3» деб аташди, бу касалликларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига тўсқинлик қиларкан. Ҳайвонларда ўтказилган тажриба шундан далолат бермоқда.

Ушбу саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фан-техника тараққиёти ва тарғибот бўлими ходимлари ҳамда «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари тайёрлашган.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Душанба, 22. VI

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Давлатманд Садко», «Болтадан бўтқа». Мультфильмлар.
18.40 Тижорат канали. «Элликқалъа пахта заводи».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Деҳқон юмушлари».
19.45 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров куйлайди.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 ЎзТВ фондидан. Ўктам Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 1-қисм.
22.25 «Турналар учмоқда». Бадиий фильм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.25 «Билиб қўйган яхши».
20.40 «Миришкорлар».
20.55 «Лаҳза». Хабарлар.
21.05 «Ўзингни эр билсанг...».
21.50 «Виждон азоби». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Кўзача». Мультфильм.
8.30 «Кўрган-кечирганлар... жонланади». Ҳужжатли фильм.
9.00 Футбол. Европа чемпионати. Ярим финал. Швециядан кўрсатилади.
11.00 Янгиликлар.

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».

*

14.00 Янгиликлар (сурдо тржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Ҳордиқ чиқаринг».
14.40 «Тоабад-19». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
15.50 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Хотин хушомад қиляпти — яхшиликка бўлмаса керак» (Франция).
15.55 Мультфильмлар.
16.20 «Нижний Тагилда болалар байрами».

*

17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «НЭП».
17.55 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танловининг кундалиги.
18.20 «Авиакосмик салон».
18.35 «Туманда». Телевизион бадиий фильм премьераси. («Союзтелефильм», «Канаприма» иштирокида суврага олинган).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 «Спорт уик-энди».
20.35 «Бизга номаълум уруш».
20.55 «Янги студия» таништиради: «Вазият».
21.30 Футбол шарҳи.

*

22.00 Янгиликлар.
22.35 Кўрсатувлар тартиби.
22.40 Р. Шуман. «Афсонавий қисса». Ю. Башмет ижро этади.
23.00 Футбол. Европа чемпионати. Ярим финал. Швециядан олиб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Архитектура ёдгорликларида мусиқа».
8.20 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер».
8.35 «Пилигрим».
9.20 «К-2» таништиради.
12.45 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 54-серия.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.45 Янгиликлар.
15.00 «Чархпалак».
16.00 «Ҳулқ-атвор». Мулоқот алифбоси.
16.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
16.45 «КАМАЗ: кундан кунга». 1-кўрсатув.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 «Ахир уруш бўлмаслиги ҳам мумкин эди-ку...». Мусиқий кўрсатув.
18.10 Асра ва авайла. «Қоратупроқ бўйлаб».
18.40 Мульти-пульти.
18.50 «Судьялар». Россия Конституцион суди ҳақида телетуркум.
19.00 «Экспомарказ» таништиради...
19.05 «Ҳар бир кун байрам».
19.15 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 55-серия.
20.05 «Камера ўтмишни тадқиқ этади».
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.10 Футбол. Европа чемпионати. Ярим финал матчи.

Сешанба, 23. VI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Футбол. Ўйинғоҳлардан дараклар.
7.30 «Йўлбарс керак». Болалар учун бадиий фильм.
8.40 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.10 «Урмонзор бағрида», «Оқ тулпор». Телефильмлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Нурланнинг бахти». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга минг танга».
18.55 «Спортлото».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Мулоҳаза». Адабий кўрсатув.
20.10 Пахтакорларнинг долзарб вазифалари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Анъаналар этади давом...». Мусиқий кўрсатув.
22.20 Ўктам Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 2-қисм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 Пўлат Махсум. «Нур». Теленовелла.
11.10 «Ҳошим қандай қилиб катта бўлганлиги ҳақида!». Бадиий фильм.
12.15 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Чи-сен» (корейс тилида).

* * *
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Субҳидам».
19.30 «Табассум».
20.00 «Дилга илиқлик бахш этувчи хонадон».
20.25 «Кинокўзгуда ҳаёт».
21.25 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
22.45 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 «Вақир-вуқур қурбақа». Мультфильм.
9.25 «Тарих босқичлари» рукни остида. «Унутилган художолар. Купала». Телефильм.
9.55 «Туманда». Телевизион бадиий фильм.
11.00 Янгиликлар.

* * *

13.20 Кўрсатувлар тартиби.
13.25 «Адам Смит бойлиги дунёси».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо тржимаси билан).
14.20 «Ёшлигимизда ҳавас қилган спортчилар». Лев Яшин.
14.50 «Тоабад-19». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
16.15 «Болалар мусиқий клуби».
17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Сиёсат» студияси намойиш этади.
17.55 «Авиакосмик салон».
18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.00 Мавзу. «Ўлим жазоси».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «КТВ-I ҳамда Франс интернасиональ канали» таништиради. «Виржининг 400 найранги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Франция).
21.20 «Максима».
21.50 «Ферната». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.10 «Беш ҳалқа».
22.40 «Тунги альбом».
23.00 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар тартиби.
23.40 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун.
00.20 «Тоабад-19». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Қушлар биз билан ёнмаён».
8.05 «Биринчи тайм».
8.20 «Оқ қарға».
9.05 «Жаҳон бозорининг калити». Массачусетс штати.
9.35 Футбол. Европа чемпионати. Ярим финал.
11.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.20 Янгиликлар.
14.35 «Рост» студияси. «Хит-кундалик».
15.05 «Самоларда парвоз этардик».
15.35 Теннис. Уимблдон турнири.
16.30 «Простор +».
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.40 Трансросэфир: «Кавказревю».
18.25 «Калит».
18.40 «Сиёсий бўлим».
19.10 «Судьялар». Россия Конституцион суди ҳақида телетуркум.
19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 56-серия.
20.20 Криминал хабарлар экрани.
20.30 Ҳужжатли панорама. «Хусусий таклиф».
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Театр сафари». Н. Эйдельманга бағишланади.

Чоршанба, 24. VI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Зоолог нигоҳи билан». Телефильм.
7.45 «Муҳаббат можароси». Бадиий фильм.
9.05 Болалар учун. «Биргаликда куйлаймиз».
9.35 Араб тили.

* * *

17.50 Янгиликлар.
18.00 Футбол. Ўзбекистон миллий чемпионати. Олий лига. «Пахтакор-79» — «Сўғдиёна» (Жиззах). «Меҳнат резервлари» ўйинғоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Наштар». Ҳажвий киножурнал.
19.50 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
20.10 Ғижжак тароналари. Ўлмас Расулов.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ўзбектелефильм» таништиради. «Гулобод ва Хон Феруз». Телевизион фильм премьераси ва фильм ижодкорлари билан учрашув.
22.30 Ўктам Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 3-қисм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Булутлар ортидаги дўзах». Телефильм.
11.00 Хор куйларидан концерт.
11.30 «Болалик станциясидан чиққан поезд». Бадиий фильм. 1-серия.

* * *
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Қ. Дўстмуҳамедова ижодхонасида».
20.35 «Суперспорт».
21.15 «Ёр-ёр». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 Мультфильмлар.
10.20 «Қишлоқи». Телефильм премьераси («Экран»).
11.00 Янгиликлар.

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо тржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Уч номаълумли топшириқ». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
15.30 «Рок макс».
16.30 Мультфильм.
16.40 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танловининг кундалиги.

*

17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Сиёсат» студияси намойиш этади.
18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Мен бахтли инсон эдим...». А. Д. Попов.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «КТВ-1 ҳамда Франс интернасиональ канали» таништиради: «Виржининг 400 найранги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.20 «Тасвирдаги суврат». Ж. Желев.
22.00 «Фермер-92». Кантри ва фолк мусиқа халқаро фестивали.
22.50 «Кичкинтой». Ҳужжатли фильм.
23.00 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар тартиби.
23.40 «Бир боқишда муҳаббат». 2-кун.
00.20 «Кўплаб мусиқалар».

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Номаълум Россия». Қишлоқ Пушкини ҳақида.
8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонани клуб».
9.05 «Буюк номаълумлик». Алимдар Караманов.
10.25 Фавқулодда вазият.
11.10 «Сиёсий бўлим».
11.50 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 55-серия.

* * *

14.55 Янгиликлар.
15.10 Тадбиркорлик ва анъаналар.
15.25 «Жаҳон бозорининг калити».
15.55 Парламент хабарномаси.
16.10 «Болалик орзулари». Кўп серияли фильм премьераси. 7-серия.
16.30 «КАМАЗ: кундан кунга». 2-кўрсатув.
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 Трансросэфир: «Узоқ Шарқ». Телекўрсатув.
18.10 «Версия».
18.25 «Оппозиция».
19.05 «Судьялар». Россия Конституцион суди ҳақида телетуркум.
19.15 «Экспомарказ» таништиради...
19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «Лого» телеўйини.
20.00 Бутун олам — театр. «Соло». Е. Урбанский ва Д. Ритенберг.
20.40 Номаълум Россия. «Мустаҳкамланган шаҳарлар».
21.00 Хабарлар.
21.20 «Ҳўжайин ким?». Тюмень репортажи.
21.45 Теннис. Уимблдон турнири.
22.40 «Тўлиной зиёфати». Концерт программаси.
23.35 Эълонлар.
23.40 Спорт кўрсатувлари. «Швеция-92».

Пайшанба, 25. VI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Футбол. Ўйинғоҳлардан дараклар.
7.30 «Дастлабки тергов». Бадиий фильм.
9.00 Турк тили.
9.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Адабий композиция.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Лайча, Типратикан ва Нико исмли бола». Мультфильм.
18.25 «Алифбо сабоқлари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Тижорат канали. «Кичик корхоналарнинг катта ишлари».
19.40 «Адолат». Ҳуқуқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 Ўктам Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 4-қисм.
22.40 «Одамлар орасидаги бўри боласи». Бадиий фильм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Безнен мирас» (татар тилида).
12.10 «Болалик станциясидан чиққан поезд». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Болаларни оромгоҳлар кутади».
19.00 «Суҳбатга чорлаймиз».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви.
21.40 «Пульс». Хабарлар.
21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 Мультфильмлар.
10.30 «Табиат рицарлари». Хроникал-ҳужжатли фильм премьераси («Экран»).
11.00 Янгиликлар.

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Уч номаълумли топшириқ». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
15.25 «Бугун ва ўша пайтларда...».
15.55 Болалар учун фильм. «Гепарднинг қайтиши».
17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Бу бўлган, бўлгандк...».
17.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.05 «Телескоп».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «СОС». Болалар уйларининг аҳволи ҳақида кўрсатув.
20.45 Кўрсатувлар тартиби.
20.50 «КТВ-1 ҳамда Франс интернасиональ канали» таништиради. «Виржининнинг 400 найранги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.45 Катталар учун мультфильмлар.
22.00 «Эфирда мусиқа». Танаффус пайтида — (23.00) Янгиликлар.
00.35 «Санъат оламида» рукни остида. «Нарти» театрининг туғилиши». Телефильм премьераси.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман».
8.05 Ҳужжатли панорама.
10.05 «Винил чанғалзорлари».
10.35 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 56-серия.
11.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.15 Янгиликлар.
15.30 «Терминал».
16.00 «Ҳайвонот оламида».
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 «Бизнес ва сиёсат».
18.25 «Нота бене» студияси.
18.55 «Судьялар». Россия Конституцион суди ҳақида телетурнкум.
19.05 «Ҳар бир кун байрам».
19.15 «Хабарлар»дан ташқари.
19.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
19.45 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.30 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Бешинчи ғилдирак» (давоми).
22.20 Криминал хабарлар экрани.
22.30 Теннис. Уимблдон турнири.
23.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

Жума, 26. VI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Даштижум», «Кабутарларим». Телефильмлар.
7.55 «Дельфин нидоси». Бадиий фильм.
9.30 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
10.30 «Мозийнома».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўнгача санашни билган улоқча», «Нодон сичқон ҳақида эртак». Мультфильмлар.
18.30 «Чорраҳа».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Аёл ҳақида сўз». Публицистик кўрсатув.
20.00 Тижорат канали. «Ишбилармон кишилар».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Мақом тарихидан». Мискин ва Бузрук. 2-кўрсатув.
22.00 «Гурия». Бадиий фильм.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

17.05 Туркманистон — Туркия. «Агросан ёрдамга келади».
17.45 «Иқтисодиёт ва ҳаёт» (рус тилида).
18.30 «Фан ва давр» (рус тилида).
19.15 «Хотира». Драматург М. Қурбонқиличев 60 ёшда.
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.10 «Гулки пурсади».
20.40 Кичкинтойлар, сизлар учун.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви.
21.45 Туркман куйлари ва қўшиқларидан концерт.
22.15 «Йўқ», дея бил». Бадиий фильм.
23.40 Янгиликлар.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм.
9.05 «Лимпопо».
9.35 Мультфильмлар.
10.05 «Мусиқа оламида» рукни остида. «Мусиқанинг тикланиши». Телефильм премьераси (Волгоград).
10.35 «Замин ва самовий йўллар чорраҳаларида».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
13.10 Кўрсатувлар тартиби.
13.15 «Бридж».
13.40 «Бизнес-класс».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Гамма» куйлайди. Днепропетровскдан кўрсатилади.
14.35 «Маёқ шуъласи». Телевизион бадиий фильм.
15.40 Мультфильмлар.
16.05 «Юниор-банк».
17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танловининг кундалиги.
17.45 «Инсон ва қонун».
18.15 «Леннеберглик Эмиль». Кўп серияли телевизион бадиий фильм.
18.40 «ТВ-Нева: «Ким биз билан!».
19.00 «Нигоҳ» студияси таништиради.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 Концерт.
20.40 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони», «Ҳордиқ чиқаринг», «Хит-конвейер». Танаффус пайтида — (23.00) Янгиликлар.
00.50 «Тонг юлдузи» тунги эфирда.
01.50 «Маёқ шуъласи». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
8.05 «Узи ва атрофидаги олам билан тотувликда».
8.35 «Ҳақиқат онлари». Н. А. Караулов саволларига Волоколамск ва Юрьев митрополити Питирим жавоб беради.
9.30 «Уз ишининг усталари». Владимир Ашкенази.
10.20 «Нота бене» студияси.
11.00 Кундузги сеанс. «Отряд». Бадиий фильм.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.45 Янгиликлар.
15.00 «Биринчи тайм».
15.45 «Простор +».
16.15 «Сигнал».
16.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
16.45 «КАМАЗ: кундан кунга». 3-кўрсатув.
17.00 Хабарлар.
17.20 «Ухшаш дунёлар».
18.05 Эълонлар.
18.15 «Шундай яшаяпмиз».
19.00 Парламент хабарномаси.
19.15 «Судьялар». Россия Конституцион суди ҳақида телетурнкум.
19.25 «Ҳар бир кун байрам».
19.35 «Тилла шпора».
20.05 Ретро. «Аркадий Райкин ва бошқалар».
20.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 Теннис. Уимблдон турнири.
22.20 «Америкада яшовчи руслар».
22.50 «Сергей Рахманиновнинг икки умри». Ҳужжатли фильм.
23.00 Футбол. Европа чемпионати. Финал.

Шанба, 27. VI

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
8.00 «Ҳаётий воқеа». Бадиий фильм.
9.30 «Кичкина деманг бизни». Спорт кўрсатуви.
10.00 «Баҳористон истиқлол йўлида».
10.25 «Биз — Ўзбекистон болаларимиз». Республика ўқувчилар саройи бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концерти.
11.10 «Давр садоси». Олтинкўл ноҳиясидан кўрсатув.
11.40 «Садоқат». Видеофильм.
12.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Менинг маҳаллам».
13.20 Вилоят театрларида. Оғаҳий номидаги Хоразм театри.
Тижорат канали:
14.10 «Илғор тажриба мактаби».
14.40 «Етти юлдуз».

* * *

18.00 «Балиқ тилга кирди», «Нима бўпти!» лақабли бегемот ҳақида». Мультфильмлар.
18.20 Футбол майдонларида.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Тижорат канали. «Ёғ-мой саноати: режа ва истиқбол».
19.50 Бевосита мулоқот. «Меҳнаткашлар манфаати йўлида».
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Мусиқа жавони».
22.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Темир эркак». Бадиий фильм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

12.05 Мультфильмлар тўплами.
13.00 «Оба дурмуши».
14.00 «Сеҳрли мунчоқ ҳақида эртак». Бадиий фильм. 1-серия.

* * *

БИШКЕК КЎРСАТАДИ:

18.05 «Қанотли уста». Мультфильм.
18.15 «Қирғизча сўзлашишни ўрганамиз».
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 «Хайрли кеч, Бишкек!» (рус тилида).
19.20 «Чўпон фарзандлари: тақдир белгилари» (рус тилида).
19.50 «Манастан, аянба, қалайик».
20.30 «Ала-Тоо».
20.50 «Мусиқачилар».

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

5.50 Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.

*

6.55 Янгиликлар.
7.30 Футбол. Европа чемпионати. Финал. Швециядан кўрсатилади.
9.00 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.
9.30 «Бумеранг».
10.00 «Марказ».
10.40 «Мусиқий дўкон».
11.10 «Инсон институти».
11.50 Гармончи М. Максимов ва «Уральская вечора» ансамбли қатнашчилари билан учрашув.
12.20 «Инжиқвой». Мультфильм.
12.30 «Немислар Иккинчи жаҳон урушида». Телефильм премьераси. 3-фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «ЭХ». Экологик хроника.
14.40 «Диққат: ёшларнинг ўнинчи...».
15.00 «Зазеркалье». «Қувноқ сеҳргарлик». Бадиий фильм.
16.15 «Қизил квадрат».
16.55 «Афғонистон тупроғида туғилган қўшиқлар».
17.55 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
18.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Оилавий ҳаёт». Бадиий фильм (Польша).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
20.40 «Оперетта, оперетта...».
21.35 «Моторлар оламида».
22.00 Театр учрашувлари. «Ғалати тасодиф».
23.00 Янгиликлар.
23.35 «Европа плюс».
00.35 «Ҳур парилар ёки Бангкок томон йўл». «Коинот париси» унвони учун минтақа танлови.
01.15 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. Ярим финал.
02.15 «Вена экспресси». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 «Соф рок».
7.40 «Ифодалаш санъати».
8.05 Енгил атлетика. «Братислава стартлари».
8.35 «Фавқулодда вазият».
9.20 «Макон».

9.50—13.25
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

13.25 «Унутма». Хайрия концерти.
14.55 «Ишбилармон аёл».
15.25 Теннис. Уимблдон турнири.
16.20 Мульти-пульти.
16.30 «Қизил майдон таклиф этади...». Санъат фестивали олдидан.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 «Уз ишининг усталари». Ия Саввина.
18.05 «Околесица» қаҳвахонаси.
19.05 «Эскулап».
19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «Прохиндиада ёки жойда югуриш». Бадиий фильм.
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.20 Криминал канал. «Мутлақо махфий».

Якшанба, 28. VI

● ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам».
8.00 «Экран зийнати». Кинокўрсатув.
9.30 «Ўзбекистон спорти». Миллий кураш бўйича халқаро мусобақалар.
10.10 «Ёрилтош». Болалар учун кўрсатув.
11.10 «Иқбол». Самарқандлик қизлар баҳси.
12.30 «Меҳр чашмаси».
13.00 Халқ севган достонлар. Хуррам Эшбўриев ижросида «Қунтуғмиш».
13.50 «Орзулар камалаги». Бадиий фильм.
15.00 «Эл хизматида». Адабий кўрсатув.

* * *

17.25 Футбол. Осиё халқаро турнири. Ўзбекистон—Туркманистон терма жамоалари. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Наштар». Ҳажвий киножурнал.
19.20 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.40 «Мультипанорама».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Марҳабо, талантлар!». Республика бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Қашқадарё вилояти.
22.50 «Телевизорни ўчиришни унутманг!». Бадиий фильм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

11.10 «Ғунча».
11.55 «Сеҳрли мунчоқ ҳақида эртак». Бадиий фильм. 2-серия.
13.00 «Туркмен сесн». Тележурнал.

* * *

БИШКЕК КУРСАТАДИ

18.05 «Ғарқ бўлган кемалар хазинаси». Мультфильм.
18.20 «Аралаш». Болалар ҳажвий киножурнали.
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 Қирғизистон Республикаси Савдо ва моддий ресурслар вазири А. А. Иордан нштирокида телефильм.
19.30 Эстрада концерти (қирғиз тилида).
20.00 «Новинки» киноклуби.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

5.20 «Руҳни чиниқтириш».
6.20 Кўрсатувлар тартиби.
6.25 Ритмик гимнастика.
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Спортлото» тиражи.
7.40 «Эрта саҳарлаб».
8.20 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
8.50 Янги номлар.
9.40 «Пи» белгиси билан.
10.30 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. Финляндия телевидениесининг кўрсатуви.
11.10 «Хит-топ-шоу» «50х50», «КТВ-1 ҳамда Франс интернасиональ канали» таништиради
12.30 «Ёввойи табиат қўриқхоналари» туркумидан телефильм премьераси. 5-фильм.
13.00 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фильм.

*

13.30 «Сендан фақат кўзёшлар». Мультфильм.
13.40 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танловининг кундалиги.
14.00 Янгиликлар.
14.15 Кўрсатувлар тартиби.
14.20 «Уолт Дисней таништиради...».
15.10 «Нима! Қаерда! Қачон!».
16.20 «Эфирда бевосита мулоқот».
17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.40 Кўрсатувлар тартиби.

*

17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.00 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Шелли Хиггинз» (Ямайка).
18.10 «Саёҳатчилар клуби».
19.00 Якшанба кинокўрсатуви. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Рицарлар қасри». Бадиий фильм («Мосфильм», Ғарбий Берлин).
21.00 «Якунлар».
21.45 «Телелоция».
22.00 «Эндиликда». Диний кўрсатув.
23.00 Янгиликлар.
23.15 Кўрсатувлар тартиби.
23.20 «Парадиз-коктейль».
00.30 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. Ярим финал.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.25 Ҳужжатли панорама. «Самаранинг осуда ёзи».
8.05 Телефильм.
8.35 «Параллеллар».
9.05 «Бирга бўлсак — биз енгилмаймиз». Кўрсатувни В. Бекетов олиб боради.
10.05 «Суперкитоб». Мультфильм. 18-серия.
10.30 «Ати-бати...».

11.00—15.15
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

9.35 «Телекроссворд».
15.15 Мульти-пульти.
15.25 «Қарама-қаршиликлар».
16.05 «Телеассамблея».
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 Миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича жаҳон чемпионати.
18.25 «Ҳақиқат онлари». А. Караулов саволларига Россия халқ артисти Олег Ефремов жавоб беради.
19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «Бир доктор бўлган экан». Бадиий фильм.
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.30 «Джентльмен-шоу».

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 19 июнь сонидан олинди

• *Ангренда ғаройиб ҳодиса*

КЎЗГА КЎРИНМАС «МАВЖУДОТ»

ЧЕТ ЭЛЛАРДА ва собиқ иттифоқдош жумҳуриятларда ғайритабиий ҳодисалар бўлиб турганлигини марказий рўзномаларда ўқиб, ойнаи жаҳонда кўриб бир ишониб, бир ишонмасдим. Суратларда сизлардан ёрдам ва нажот сўраб турган фуқаролар Ангрен шаҳри Виноградская кўчаси, 3-уйда истиқомат қилишади. Уларнинг уйига қандайдир инсми, жинсми, шайтонми, барабашками кириб олганлиги тўғрисида миш-миш Ангрен шаҳрида тарқалиб юрганлигининг гувоҳи бўлдим. Шу йили 13 июнда бу хонадонга шаҳар раҳбарлари билан ташриф буюрдик. Бизни уй бекаси Реҳан ая Чалашова кўзларида ёш, оёқ-қўлида титроқ билан кутиб олди.

— Реҳан ая, ўзи воқеа қачон ва нимадан бошланди?

— Эй, уйимиздаги бўлаётган воқеаларни айтишга ҳам қўрқаман. Ҳаётимда не-не қийинчиликларни кўрмадим. Ҳаммаси ҳам бир бўлди, бу ҳам... Воқеа май ойи бошларида бошланди. 2—3 кун кимдир томимизга майда тошлар отиб, шиферимизни синдира бошлади. Аввалига маҳалланинг шўх болалари бўлса керак, деб гумонсираб юрдик. Бошланишда кучуклар вовуллар, мушуклар миёвларди. Ҳозир эса улар жимиб қолган. 15 майдан бошлаб кўчага қараган дераза ойналаримизга ҳар хил майда тошлар, михлар, гайка, болтлар тегиб сина бошлади. Кўча эшикда ҳеч ким йўқ. Қўрқасан-да шундан сўнг!

20 майдан бошлаб уй-рўзғор буюмларимиз — коса, ликобчалар, қошиқ, санчқилар, пичоқлар уча бошлади. Уйимиздаги бир неча ўн стакан учавериб, синавериб, бутуни қолмади. Қайсидир куни Иззет ўғлим орқасидан сирли ҳолатда пичоқ қувлаб юрди. Ҳайтовур ўтириб олган эди, пичоқ ҳам ерга тушди. Ана ўша пичоқ. Бу кўринмас мавжудот уйга хўжайин бўлиб қолди, чамаси. Энди дераза ойналари ичкаридан ташқарига сина бошлаяпти. Сусана қизим бир болт олиб келди. Болт келиб қўлига урилган экан. Қарасак, болтда узун оқ соч толаси бор эди.

— Мана, буларни кўринглар, деб қизи Сусана йиғламсираб, ёнган дастурхон ва болалар кийимини олиб чиқди.

Аянинг катта ўғли бўлса керак, Байрам сўзини давом эттирди:

— Уйимизда машина бор. Унинг эҳтиёт қисмлари алоҳида, болт, гайка, шуруплари эса алоҳида халтада турарди. Май ойининг иккинчи ярмида халта ўз-ўзидан очилиб, ичидаги нарсалар камайиб қолди.

Эшик-дераза пардаларини кўринг, — деди ая сўзини давом эттириб. —Йиртилиб ётибди. Гоҳо-гоҳо пичоқ билан кимдир пардаларни йиртаётгандай бўлади. Ўша ерга қарасак, ҳеч ким кўринмайди. Парда эса ҳалигиндай... Шунинг учун барча кийим-кечак ва нарсаларимизни йиғиштириб, тугунга солиб қўйдик.

— Реҳан ая, ўзи кўринмас мавжудот қачон келади-ю, қачон кетади?

— Эрталаб хўроз қичқиргандан бошлаб то ярим кеча — соат 2 гача. На уйқу бор, на ҳаловат.

— Кимларга мурожаат қилдингиз?

— Шаҳар раҳбарларига раҳмат, уларга мурожаат қилган эдик. Ҳозир уйимиз назорат остида. Ҳатто шаҳар Ички ишлар бўлими ходимлари, ўт ўчирувчилар ҳам ёнган нарсаларимизни, синган буюмларимизни кўришди. Баъзиларини экспертизага бердик. Ҳали жавоб олганимиз йўқ.

— Шундай экан, «эскича» қилиб кўрмадингизми?

— Уни ҳам қилиб кўрдик. Томга нон, туз, сув қўйиб қўйинглар, бир кун кутинглар, дейишди одамлар. Айтганларидек қилдик. Барибир, чақирилмаган меҳмон бизни тарк этмади. Томга чиқсак, сув ичилган, нон икки тарафидан тишланган эди. 7 июнь куни қўй сўйиб худойи қилдик. Бу ҳам ёрдам бермади. Келишларингдан сал олдин соат 12 ларда саройимиз ойнаси синди. Ўзинглар кўриб кела қолинглар, боргани қўрқаяпман. Нима истайди, ўзи биздан?! Бундай воқеалар кимгадир мўъжиза, кимгадир бало бўлиб кўринар экан. Бизнинг бошимизга тушган бу кўргилик, душманнинг бошига ҳам тушмасин. Бундай воқеалар устида ишлайдиган ташкилотлар бор, дейишади. Қани улар?

Ён қўшнилар Турғун Муҳамбетов ва Тўхтар Чалашев билан суҳбатлашганимизда улар ҳам кўринмас мавжудот уларникида бир-икки кун меҳмон бўлиб, тош отганини тасдиқлашди.

Даврон АҲМАД.

СУРАТЛАРДА: Сусана ёнган дастурхон ёнида ва акаси Байрам уйи ичида синган дераза ойнаси олдида; сочилган эҳтиёт қисмлар.

Муаллиф олган суратлар.

ТАҲРИРИЯТДАН: бу воқеа ўқувчиларда ўринсиз «шов-шув»ларга сабаб бўлмаслигини истардик. Фанда «полтергейст» деб аталувчи бу хил ҳодисалар кўп кузатилган. Москванинг Октябрь майдонидаги, Тошкентнинг Юнусобод даҳасидаги «нобоп» хонадонлар ҳақида кўпчилик ўқиган, эшитган. Биз Ангрендаги бу воқеа тадқиқотчилар томонидан пухта ўрганилади, фаннинг тегишли соҳа мутахассислари уни илмий жиҳатдан шарҳлаб беришади, деган умиддамиз. Олимлар ва алоқадор ташкилотларнинг фикрлари, хулосалари, таклифлари билан ўз навбатида муштарийларни таништириш ниятидамиз.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

● ЭТНОГРАФИЯ —халқ ҳақидаги фан бўлиб, ҳар бир халқнинг урф-одатини, миллати ва миллий анъаналарини ўргатади. Бу сўз лотин тилидан олинган бўлиб «этнос» — халқ, «графейн» — ёзаман, таърифлайман деган маъноларни англатади.

● КОФЕ сўзи Эфиопиядаги Каффа деган вилоятнинг номидан келиб чиққан. Бу вилоятда кофе ўсимлиги ўсади. У ердан кофе ўсимлигини Араб ярим оролига келтириб экилган. Оврўпога кофе биринчи марта 1561 йилда келтирилган.

● «ЛАҒМОН» сўзи — хитойча «лағ» — узун, «ман» — хамир, яъни «узун хамир» деган маънони билдиради.

● «БУТЕРБРОД» эса немисча сўз бўлиб, гўшт ва нон ёки нон ва ёғ маъноларини беради.

● «НАВРЎЗ» — «янги кун» деган маънони англатади. Қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча ва кундузнинг вақт жиҳатидан тенглашиши, кундузнинг узая бошлаши ҳисобга олиниб, қадим-қадимдан байрам сифатида нишонланиб келган. Баъзи тарихий манбаларга қараганда «Наврўз» милоддан аввалги 530—330 йиллардан бошлаб бутун Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистонда байрам сифатида кенг тарқалган.

А. АЛИЕВ,


КЎРГАЗМА— САВДО


Ўзбекистон рассомлари асарларининг «Интурист» маданият-ахборот марказида очилган кўргазмасида турли йўналишлар ва мактабларга оид ранг-тасвир асарлар қўйилган. Кўргазма ташкилотчиларининг мақсади республикага келган ҳорижий меҳмонларни рассомлар бир неча авлодининг ижоди билан таништиришдан иборат. Бу рассомлар орасида И. Мансуров, А. Икромжонов, Л. Давас, Л. Содиқова ва бошқа таниқли мўйқалам усталари бор.

Кўргазманинг яна бир ўзига хос жиҳати бор. Бу ерда намойиш этилаётган эликта ранг-тасвир асарларини харид қилиш мумкин. Санъат шайдолари ҳозиргача кўпгина асарларни сотиб олишди.

(ЎзА мухбири).







• *ФУТБОЛ*

ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

Анъаддий футбол мухлислари ва шинавандалари у ёқда турсин, етук мутахассислар, қарийб ярим асрдан бери футбол нонини еяётган Г. Качалин ва К. Бесковлар марказий телевидение орқали Оврўпо биринчилиги ўйинлари ҳақида фикр билдиришар экан, Англия ва Франция футбол жамоалари кучли эканлигини таъкидлаш билан бирга улар ғолиблик учун асосий даъвогарлардан ҳисобланади деб айтишди. Бироқ бу «башорат» гуш бўлиб чиқди. Ҳа, чиндан ҳам Англия ва Франция футболчилари бир мунча кучсиз ҳисобланган Швеция ва Дания командаларига ён босишга мажбур бўлдилар. Биринчи гуруҳда сўнгги ўйинларда Швеция жамоаси Англия командасини, Дания эса Франция футболчиларини бир хил — 2:1 ҳисобида енгиб ярим финалга чиқишди.

Иккинчи гуруҳда МДҲ футболчиларининг Шотландия жамоасидан 0:3 ҳисобида енгилиши ҳам қитъа биринчилигининг кутилмаган натижаларидан бири бўлди. Футболчиларимиз бу ўйинда ғолиб чиққан тақдирдагина кейинги босқичга йўлланма олишарди. Лекин бундай бўлмади. Оврўпо чемпионлари Голландия футболчилари жаҳон чемпионлари — Олмония командасини 3:1 ҳисобида маглуб этиб, иккинчи гуруҳда биринчи бўлишди. Шунингдек, Олмония футболчилари ҳам ярим финалга чиқишди.

Гуруҳларда ўтказилган учрашувлар натижаларидан сўнг ўринлар қуйидагича тақсимланди.

Биринчи гуруҳ

	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
Швеция	2	1	0	4—2	5
Дания	1	1	1	2—2	3
Франция	0	2	1	2—3	2
Англия	0	2	1	1—2	2
Иккинчи гуруҳ:					
Голландия	2	1	0	4—1	5
Олмония	1	1	1	4—4	3
Шотландия	1	0	2	3—3	2
МДҲ	0	2	1	1—4	2

Ярим финал ўйинлари 21 ва 22 июнь кунлари Стокгольм ва Гётеборгда бўлади. Швеция футболчилари Олмония билан, Голландия жамоаси Дания футболчилари билан учрашади. Чемпион 26 июнь куни Гетеборгда аниқланади.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҲАҚИҚАТИ

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
Рўзнома офсет усулида А—3 форматида босилади.

Буюртма — Р 131. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.30. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12